

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ АБДУЛЛА РУСТАМОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ ИНТЕНСИВ
НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ДОН СИФАТИГА ЭКИШ
МУДДАТЛАРИ ҲАМДА ЎҒИТЛАШ МЕЎЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Рахимов Абдулла Рустамович

Суғориладиган ерларда қаттиқ бугдой интенсив навларининг ҳосилдорлиги
ва дон сифатига экиш муддатлари ҳамда ўғитлаш меъёрларининг
таъсири3

Рахимов Абдулла Рустамович

Влияние сроков посева и норм удобрений на урожайность и качество зерна
интенсивных сортов твердой пшеницы на орошаемых землях.....21

Rakhimov Abdulla Rustamovich

Impact of sowing dates and fertilizer rates on yield and grain quality of intensive
triticum durum wheat varieties in irrigated lands39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ43
List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**


САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ АБДУЛЛА РУСТАМОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ ИНТЕНСИВ
НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ДОН СИФАТИГА ЭКИШ
МУДДАТЛАРИ ҲАМДА ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx148 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институти (собик Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институти) да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cottonagro.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халилов Насриддин Халилович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Атабаева Ҳалима Назаровна

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Хошимов Иброҳим Набиевич

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:


Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти


Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «14» 06 2019 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-34; e-mail: piim@agro.uz)


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-34.)

Диссертация автореферати 2019 йил «14» 06 хуни тарқатилди.
(2019 йил «14» 06 даги 1 рақамли реестр баённомаси)




Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор


Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор


Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қандаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда аҳоли сонининг муттасил кўпайиб бораётганлиги инсониятнинг озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабининг йилдан-йилга ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришда бошоқли дон экинлари, жумладан буғдой ҳосилдорлиги ҳамда унинг сифатини ошириш муҳим аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Дунё бўйича 2018 йилда 2703,0 млн. тонна донли экинлар ҳосили етиштирилган бўлиб, шундан 28,1% яъни, 759,9 млн. тонна буғдой дони¹ ҳиссасига тўғри келади. Халқаро дон масалалари бўйича кенгашнинг (International Grains Council (IGC)) таҳлилий агентлиги маълумотларига кўра, дунё миқёсида қаттиқ буғдой донини етиштириш 37–40 млн. тонна² бўлиб, бу кўрсаткич умумий етиштирилган буғдой донининг қарийб 5 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда дунёнинг турли экологик шароитларида буғдой навларини уларнинг биологиясига мос етиштириш агротехнологияларини қўллаш орқали дон ҳосилдорлигини ҳамда унинг сифатини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суғориладиган ерларда минтака иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда қаттиқ буғдой навларини мақбул муддатларда экиб, маъданли ўғитлар меъёрларини тўғри танлаш орқали улардан юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилмоқда. Айниқса, қаттиқ буғдой (*Triticum durum* Desf.) тури доирасида кам учрайдиган биологик кузги навларини суғориладиган ерларда мақбул муддатларда экиш ва қўлланиладиган маъданли ўғитлар меъёрларини тўғри танлаш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини экологик соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича соҳа олдида бир қатор вазифаларни истиқболда амалга ошириш»³ каби муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган. Суғориладиган ғалла майдонларини 2016–2020 йилларда 50 минг гектарга қискартириш, шу билан бир қаторда экинларга ишлов беришнинг илғор агротехнологияларини қўллаган ҳолда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш натижасида дон етиштириш ҳажмини кўпайтириш ва мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

¹<http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>

²<http://www.igc.int/ru/about/aboutus.aspx>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5303-сонли Фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 28 февралдаги 149-сонли ва «Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва агроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда қаттиқ бугдойни ҳар бир минтақанинг шароитига мос навларини танлаш ва юқори ҳосилдорликка эришиш имкониятини яратиш ҳамда экологик синовлардан ўтказиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, республикаимиз иқлим шароитида қаттиқ бугдойни истиқболли янги навларини яратиш ва уларнинг нав агротехнологиясини ишлаб чиқишга оид илмий-тадқиқот ишлари мустақилликкача А.К.Учиваткин, Р.А.Удачин, С.Ғ.Ғайбуллаев, И.Ш.Шахмедов, Ғ.А.Айрапетовларнинг тадқиқот ишларида ёритилган бўлса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ғ.Қурбонов, А.Омонов, Н.Халилов, Ҳ.Н.Атабаева, Р.Ш.Тилияев, Р.Сиддиқов, Б.Азизов, Қ.Равшанов, П.Х.Бобомирзаев, Н.М.Турдиева, А.Хайитбоев, О.Мирзаев ва бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Лекин, Самарқанд вилоятининг суғориладиган ерлари шароитида қаттиқ бугдойнинг Давлат реестрига киритилган маҳаллий биологик баҳори («Макуз-3») ва хориждан келтирилган биологик кузги («Крупинка») навларининг турли экиш муддатларида маъданли ўғитлар меъёрларини уйғунлашган ҳолда қўллаб ўрганишда уларни ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, қишга чидамлиги, тупланиш тугунининг жойлашиш чуқурлиги, фазалараро даврларнинг давомийлиги, ҳосилдорлиги, ҳосил структураси, доннинг физик ва биокимёвий сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-8-047 «Суғориладиган ерларда шўрланишининг олдини олиб, экинзор фитосанитар ҳолатини яхшилайдиган, кузги бугдойдан мўл ва сифатли ҳосил олишни ресурстежамкор агротехнологиясини яратиш» (2009–2011 йй.) ҳамда ҚХА-8-007-2015 «Кузги бугдойнинг суғориладиган ерлар учун интенсив типдаги серҳосил, кучли ва

кимматли навларини яратиш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида қаттиқ бугдой навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддати ҳамда маъданли ўғитлар қўллаш меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қаттиқ бугдой навлари уруғларини униб чиқиши ва ўсимликларнинг қишга чидамлигига кузги экиш муддатларида қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

кузги экиш муддатларида маъданли ўғитлар меъёрларини уйғунлашган ҳолда қўллашни қаттиқ бугдойнинг баҳори ва кузги навларининг ўсиши, ривожланишига таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини қаттиқ бугдойнинг интенсив типдаги баҳори ва кузги навларини илдиз тизими ҳамда ер устки массасининг шаклланишига таъсирини ўрганиш;

экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини уйғунлашган ҳолда қўллаб қаттиқ бугдой навлари ҳосил структураси, дон ҳосили ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

қаттиқ бугдой навлари учун кузги экиш муддатларида мақбул ўғит меъёрини аниқлаб, самарадорлиги юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришнинг илмий асосланган, такомиллиштирилган технологиялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қаттиқ бугдойнинг биологик баҳори «Макуз-3» ва кузги «Крупинка» навлари, кузги экиш муддатлари, маъданли ўғитлар қўллаш меъёрлари, Самарқанд вилоятида кенг тарқалган қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кузги экиш муддатларида қўлланилган маъданли ўғитлаш меъёрларини қаттиқ бугдой навларининг ўсиши, ривожланиши, қишга чидамлиги, тупланиш тугунининг чуқурлиги, ўсув даври ва ривожланиш фазаларини давомийлиги, ётиб қолишга чидамлиги, ҳосил структурасининг шаклланиш хусусиятлари, ҳосилдорлик, доннинг сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ҳамда уларнинг таҳлиллари «Методика полевых опытов с зерновыми культурами», «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методические рекомендации по оценке качество зерна», «Методы биохимического исследования растений», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ) асосида олиб борилган. Қаттиқ бугдой навлари ҳосили маълумотлари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевых опыта» манбасидаги дисперсион таҳлил услуби ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида қаттиқ буғдой навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда етиштириш технологияси элементлари (экиш муддати ва ўғитлаш меъёрлари) такомиллаштирилган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдой «Крупинка» нави октябрнинг биринчи ўн кунлигида экилганда маъданли ўғитлар $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг/га, «Макуз-3» нави октябрнинг иккинчи ўн кунлигида экилганда $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га меъёрда қўллаш мақбуллиги асосланган;

қаттиқ буғдой навлари уруғлари эрта (1.10.) муддатда экилганда кузги ўсув даврида ҳарорат йиғиндиси 678,6 дан 792,0 °С гача бўлиб, бундай ҳарорат йиғиндисиди биологик баҳори навларининг ер устки вегетатив массасини меъёридан ортик ўсиб кетиши натижасида совуқдан зарарланиши аниқланган;

кеч (1.11.) муддатда экилганда ҳарорат йиғиндиси 252,4 дан 296,0 °С гача бўлиб, кузги вегетация даври якунига қадар майсаларнинг тўлиқ униб чикмаслиги, ўсимликларда тупланиш тугунининг ривожланмаслиги ва тупланмаслиги исботланган;

қаттиқ буғдой навларининг кузги ва баҳорги ўсув даври, ривожланиш фазалари давомийлиги, туп қалинлигини мақбуллаштирадиган, сийракланишини ҳамда ўсимликларнинг ётиб қолишини камайтирадиган мақбул экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрлари ишлаб чиқилган;

кузги экиш муддатларида қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрларининг қаттиқ буғдой навлари ҳосил элементларининг шаклланиши, унинг структураси ҳамда ҳосилдорлигига ва сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Самарқанд вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида қаттиқ буғдой уруғларининг униб чиқиши навнинг биологик хусусиятларига, экиш муддатларига боғлиқлиги кузатилиб, эрта (1.10.) экиш муддатида экиш униб чиқиш даври давомийлиги ўртача ҳаво ҳарорати 17,3 °С да 8 кунни, 19,3 °С да эса, 7 кунни, экиш муддатлари (16.10; 1.11.) кечикиши ва ҳароратнинг (11,8; 5,5 °С) пасайиши натижасида бу кўрсаткич 9 кундан 17 кунгача узайиши аниқланган;

қаттиқ буғдой навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар қўллаш меъёрлари самарадорлиги аниқланган бўлиб, мақбул экиш муддатларида фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини тўлиқ миқдорда, азотли ўғитлар йиллик меъёрини 15–20% миқдорида экиш олдида қўллаш натижасида қаттиқ буғдой навларининг қишги совуқларга чидамлиги ошганлиги аниқланган;

тадқиқотда қаттиқ буғдой навларининг кузги ўсув даври якунида тупланиш бўғинини жойлашиш чуқурлиги 1 ва 16 октябр экиш муддатларида экилган вариантларда 1,8–2,3 сантиметрни ташкил этган бўлса, 1 ноябр экиш муддатида эса, ўсимликларда тупланиш бўғинининг шаклланмаслиги, шунингдек, эрта муддатда (1.10.) экилган ва ўғитланган вариантларда

биологик баҳори «Макуз-3» навида ўсимлик бўйи 20–22 сантиметрли ташкил этиши, натижада ўсимлик киши совуқдан кўпроқ зарарланиши кузатилган. Биологик кузги «Крупинка» навида эса, ўсимлик бўйи 16–17 см бўлиб, киши совуқдан кам зарарланиши аниқланган;

каттик буғдой навларини биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, биологик кузги «Крупинка» навини 1 октябрда экиш ва гектарига $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг миқдорда маъданли ўғитлар қўлланилганда, юқори дон ҳосил (72,2 ц/га) олинган бўлса, биологик баҳори «Макуз-3» навини октябрнинг иккинчи (16.10.) ярмида экиш ва гектарига $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг маъданли ўғитлар қўлланилганда (67,8 ц/га) самарадорлиги юқори бўлиши кузатилган ҳамда етиштириш технологиялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган натижаларга вариацион-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий ва амалий натижаларни тадқиқот олиб борилган йилларда мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тажриба натижалари маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий қилинганлиги, Республика ва Халқаро илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти типик бўз тупроқлар шароитида каттик буғдой навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, кузги экиш муддатларида қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрларини аниқлаш, уруғларнинг унувчанлиги, ўсимликларнинг кишига чидамлиги, тупланиш тугунининг жойлашиш чуқурлиги, илдиз тизими, ўсиши, ривожланиши, фазаларо даврларнинг давомийлиги, ўсимликнинг ётиб қолиши, ҳосилдорлиги, ҳосил структураси, доннинг физик ва биокимёвий сифат кўрсаткичларига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти каттик буғдой тури доирасида кам учрайдиган биологик кузги навларини Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида мақбул экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини ўсув фазалари бўйича табақалаштириб қўллаш асосида каттик буғдой дон ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, шу билан биргаликда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда етиштириш агротехнологияларининг тақомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида каттик буғдой навларининг дон ҳосили ва сифатига экиш муддатлари ҳамда ўғитлар меъёрларининг таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

каттик буғдой навларини етиштириш бўйича «Суғориладиган ерларда каттик буғдой етиштиришга оид тавсиялар» ҳамда «Ғалла экинларининг касалликлари ва уларга қарши курашга оид тавсиялар» тавсияномалари ишлаб чиқилиб тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 майдаги 02/021-273-сонли маълумотномаси). Бугунги кунда ушбу тавсиялар Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

каттик буғдойнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, кузги экиш муддатларида маъданли ўғитларни қўллаш меъёрларининг мақбуллаштирилган агротехнологияси Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Оқдарё, Пайарик ва Жомбой туманларидаги ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 52 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 майдаги 02/021-273-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида каттик буғдойнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақбул экиш муддатида қўлланилган маъданли ўғитларни меъёрлари бўйича гектаридан 8,8–16,2 центнер кўшимча дон ҳосили олинган;

Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида каттик буғдойнинг биологик кузги «Крупинка» навини октябрнинг биринчи ўн кунлигида экиш ва гектарига $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг ҳамда биологик баҳори «Макуз-3» навини эса, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида экиш ва $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га ҳисобида маъданли ўғитларни ўсув фазалари бўйича табақалаштириб қўллаш технологияси 45 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 майдаги 02/021-273-сонли маълумотномаси). Натижада каттик буғдой «Крупинка» навидан гектарига 71,4 центнер, «Макуз-3» навидан эса 68,1 центнер дон ҳосили олинди, юқори рентабеллик даражасига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили ҚХООТИИЧМ ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институти “Ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш” кафедрасининг йиғилишида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 3 та хорижий журналларда, шунингдек, 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бўғдой етиштиришда турли экиш муддатларида маъданли ўғитлар қўллаш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, турли минтақаларда қаттиқ бўғдойдан юқори ва сифатли дон етиштириш учун тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган маълумотлар, хорижий ва маҳаллий адабиётлар кенг таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, қаттиқ бўғдой етиштиришда навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда минтақа тупроқ-иклим шароитига боғлиқ равишда кузги экиш муддатларида маъданли ўғитларни қўллаш меъёрининг дон ҳосили ва сифатини оширувчи, иқтисодий самарадор технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, ўрганилган навларнинг тавсифлари батафсил баён этилган. Дала тажрибалари Самарқанд вилоятининг қадимдан сугориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ўтказилган. Тажриба даласи бўз тупроқларининг 0–30 см қатламидаги чиринди миқдори 1,23%, умумий азот миқдори 0,13%, фосфор 0,156%, калий 1,86 фоизни ва уларнинг ҳаракатчан шакллари эса, $N-NO_3 - 11,6$ мг/кг, $P_2O_5 - 18,9$ мг/кг, $K_2O - 190$ мг/кг бўлиб, тажриба даласи тупроғи озика унсурлари билан кам даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Воҳанинг иқлим-шароити ўзига хос бўлиб, тез ўзгарувчан – қуруқ ва иссиқ ёз, намгарчилик кўп бўладиган баҳор ва совуқ киши билан ажралиб туради. Воҳанинг текислик қисмидан тоғ минтақалари томон ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши, аммо, атмосфера ёғин миқдорлари эса аксинча, кўпайиб бориши кузатилади. Сентябрь-октябр ойларида ерларни экишга тайёрлаш ва кузги бўғдойни экиш жараёнида ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати 20,5–16,5 °C бўлиб, юқори ҳарорат 25,3–19,3 °C ва паст ҳарорат 16,6–13,1 °C атрофида, ёғингарчиликлар миқдори ўртача 3,1–29,2 ва 3,8–20,4 миллиметрни ташкил этган. Декабр, январ ва феврал ойларида ўртача кўп

йиллик ҳаво ҳарорати 4,8; 3,7; 4,5 °С, ёгинлар миқдори 53,3; 22,4; 69,7 мм агрофида ўзгариб туради.

Ёгингарчиликнинг асосий қисми март ва апрел ойларида кузатилади. Кузги буғдойнинг (сут, мум ва тўлиқ) пишиб етилиш даври, ёз фаслида ёгингарчиликнинг жуда кам (июн ойида) ёки, умуман бўлмаслиги билан (июл ойида) тавсифланади ва бу даврларда ёгингарчилик миқдори ўртача 2,3–50,6 мм, ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати эса 25,2–27,4 °С ни ташкил этиб, кузги буғдойнинг донларини тўлиқ шаклланиши ва пишиб етилиши учун қулай давр ҳисобланади.

Тажриба даласи тупроқларининг агрохимёвий хоссаларини аниқлашда тупроқ кесмаси қазиб, қатламлар бўйича кузги буғдойни вегетация бошида ва охирида намуна олинган. Тупроқ таркибидаги чиринди миқдори И.В.Тюрин усулида, умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценконинг такомиллаштирилган усулларида аниқланган. Тупроқдаги озик моддаларни ҳаракатчан шакллари – нитрат шаклидаги азот Грандвальд-Ляжу усулида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин усулида, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида алангали фотоколориметрда аниқланган.

Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида ўсимликларнинг ўсиб-ривожланишини кузатиб бориш ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубномаси асосида олиб борилиб, ҳисоб-китоблар қилинган. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги Б.А.Доспеховнинг дисперсион усулида математик-статистик таҳлил қилинган. Тажрибаларда буғдой парвариши мазкур минтақа учун қабул қилинган агротехнологиялар асосида бажарилган.

Диссертациянинг «Экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрларининг қаттиқ буғдой навларини ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига таъсири» деб номланган учинчи бобида уруғларнинг унувчанлиги, майсаларнинг қишга чидамлиги, ўсимлик бўйи ва ётиб қолиши, навнинг маҳсулдорлиги, ўсимликлар илдиз тизимининг ривожланиши, кузги ва баҳорги вегетация даврининг давомийлиги, ҳосил структураси, ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичларига оид натижалар батафсил баён этилган.

Тажриба натижаларининг таҳлилларига қараганда, қаттиқ буғдой навлари уруғларининг дала унувчанлигига экиш муддатлари сезиларли таъсир кўрсатган бўлса, маъданли ўғитлар меъёрини ошириш бу кўрсаткичга сезиларли таъсири қилмаганлиги аниқланган. Қаттиқ буғдойни «Макуз-3» ва «Крупинка» навлари уруғларининг дала унувчанлиги юқори бўлиши 16 октябрда экилган ҳамда гектарига $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг ўғит қўлланилган вариантда навларга мувофик ҳолда 89,2; 88,7 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич эрта (1.10.) муддатда экилган вариантга нисбатан 2,1; 3,7 фоизга, кеч (1.11.) муддатда экилган вариантга нисбатан эса, 4,2; 3,7 фоизга ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар мақбул меъёрларини қўллаш натижасида уруғларнинг дала шароитида экиш-униб чиқиш даври давомийлиги ўртача ҳаво ҳарорати 17,3 °С да 8 кунни, 19,3 °С

да 7 кунни ташкил этган. Экиш муддати кечикиши ва ҳаво ҳароратининг пасайиши билан бу кўрсаткич 9 кундан 17 кунгача узайганлиги аниқланган. Тадқиқотлар ўтказилган йиллар (2008–2011 йй.) бўйича экиш-униб чиқиш даври давомийлигидаги ҳарорат йиғиндиси 1 октябр экиш муддатида 121,8 дан 138,4 °С гача, 16 октябр экиш муддатида 119,7 дан 135,9 °С гача, 1 ноябр экиш муддатида эса 93,5 дан 156,0 °С гача ўзгариб турган.

Экиш муддатлари қаттиқ бугдой майсалари кузги ўсув даврининг давомийлигидаги ҳарорат йиғиндисига ҳам турлича таъсир кўрсатиб, 1 октябрда экилган вариантларда бу даврдаги ҳарорат йиғиндиси 678,6 дан 792,0 °С гача бўлиши кузатилиб, бундай ҳарорат йиғиндисиди биологик баҳори ва дуварак навлари ер устки вегетатив массасининг меъёридан ортиқ ўсиб кетиши аниқланган. Экиш 16 октябрда экилган вариантларда кузги ўсув даврининг давомийлигидаги ҳарорат йиғиндиси 431,6 дан 504,0 °С гача бўлиши кузатирилган бўлса, кеч (1.11.) муддатда экилган вариантларда эса 252,4 дан 296,0 °С гача бўлиши ва бундай узоқ муддатда тўпланган кам ҳарорат йиғиндисиди баъзан майсаларнинг тўлиқ униб чиқмаслиги ҳамда қишки совуқлар бошлангунча тупланмаслиги аниқланган.

Тадқиқотда экиш муддатлари ва ўғитлар меъёрлари кузда экилган қаттиқ бугдой майсаларини қишлаб чиқишига турлича таъсир кўрсатиб, бунда ўсимликларнинг қишлаб чиқиши «Макуз-3» навида 68,9 фоиздан 88,2 фоизгача, «Крупинка» навида эса 83,6 фоиздан 97,4 фоизгача бўлганлиги кузатирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қаттиқ бугдой навларининг қишга чидамлигини экиш муддатлари ва ўғитлар меъёрларига боғлиқлиги (2008–2011 йй.)

Экиш муддати	Ўғитлар меъёри, кг/га	Қишлабгача 1 м ² даги ўсимликлар сон, доза		Қишлаб чиққан ўсимликлар						Сийракланиши фарқи, -/+			
				дона		%		сийракланиши, %		1 октябр экиш муддатига нисбатан		назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан	
		1*	2*	1*	2*	1*	2*	1*	2*	1*	2*	1*	2*
1 октябр	Назорат (ўғитсиз)	384	373	293,1	327,9	76,3	87,9	23,7	12,1	-	-	-	-
	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	379	375	305,6	343,1	80,6	91,5	19,4	8,5	-	-	4,3	3,6
	N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	390	378	325,3	350,5	83,4	92,7	16,6	7,3	-	-	7,1	4,8
	N ₂₁₀ P ₁₄₇ K ₁₀₅	393	381	333,1	361,2	84,8	94,8	15,2	5,2	-	-	8,5	6,9
16 октябр	Назорат (ўғитсиз)	390	384	319,7	343,6	82,0	89,5	18,0	10,5	5,6	1,6	-	-
	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	389	383	331,1	363,5	85,1	94,9	14,9	5,1	4,5	3,4	3,1	5,4
	N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	394	393	345,7	378,2	87,7	96,2	12,3	3,8	4,3	3,5	5,8	6,8
	N ₂₁₀ P ₁₄₇ K ₁₀₅	401	398	353,5	387,6	88,2	97,4	11,8	2,6	3,4	2,6	6,2	7,9
1 ноябр	Назорат (ўғитсиз)	379	381	261,2	318,5	68,9	83,6	31,1	16,4	-7,4	-4,3	-	-
	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	380	385	302,5	342,2	79,6	88,9	20,4	11,1	-1,0	-2,6	10,7	5,3
	N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	383	390	317,7	359,1	83,0	92,1	17,0	7,9	-0,5	-0,6	14,0	8,5
	N ₂₁₀ P ₁₄₇ K ₁₀₅	381	383	320,3	362,8	84,1	94,7	15,9	5,3	-0,7	-0,1	15,2	11,1

Изоҳ: 1*–«Макуз-3» нави, 2*–«Крупинка» нави

Ўрганилган навларда қишлаб чиққан ўсимликларнинг энг кам бўлиши 1 ноябрда экилган назорат-ўғитсиз вариантыда кузатилиб, бу даврда қишлаб чиққан ўсимликларнинг сийракланиши «Макуз-3» навида 31,1 фоизни,

«Крупинка» навида эса 16,4 фоизни ташкил этган бўлса, маъданли ўғитлар қўлланилган вариантларда ўсимликларни қишга чидамлиги ошиб борган.

Тадқиқотларда экиш муддати 1 октябрда ёки 1 ноябрда ўтказилганда ўсимликларнинг қишга чидамлиги 16 октябрда экилгандагига нисбатан пасайган. Чунки, эрта муддатда (1.10.) экилган уруғлар қиш келгунга қадар ўсимликнинг ер устки вегетатив массаси анча ўсган. Натигада ўсимликларда етарли миқдорда қанд тўпланмай, қишки совуқларда нобуд бўлиши кузатилган. Бу ҳол айниқса, биологик баҳори «Макуз-3» навида яққол намоён бўлган. Кеч (1.11.) экилган ўсимликларда ер устки массасининг кучсиз ривожланиши ва тупланиш бўғини ҳамда бўғин илдизларининг тўлиқ шаклланмаслиги уларнинг қишга чидамлигини паст бўлишига сабаб бўлган. Ўғитлашда фосфорли ва калийли ўғитлар меъёрларини ошириш билан ўсимликларнинг қишга чидамлиги ошиши кузатилган. Навлар бўйича эса, «Макуз-3» навининг «Крупинка» навида нисбатан қишга чидамлиги кам эканлиги аниқланган.

Таҷрибаларда қаттиқ бугдой навларининг қишга чидамлигини ўрганишда экиш муддати ҳамда ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда, уларнинг кузги ўсув даври якунида поялар сони, тупланиш бўғинининг жойлашиш чуқурлиги, бўғин илдизларининг сони ва ўсимлик бўйи каби кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилиниб, унга кўра, эрта (1.10.) муддатда экилган назорат-ўғитсиз вариантда ўсимликда пояларнинг ҳосил бўлиши «Макуз-3» навида 2,6 донани, «Крупинка» навида 2,5 донани, маъданли ўғитлар билан озиклангиртилган вариантларда эса 3,1–3,4 донагача кўпайиши кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Экиш муддати ва маъданли ўғитлар меъёрларининг қаттиқ бугдой навларини қишлаш олдидан ривожланишига боғлиқлиги (2008-2011 йй.)

Экиш муддати	Ўғитлаш меъёри, кг/га	Ўсимлик бўйи, см		Поялар сони, дона/ўсимликда		Тупланиш бўғинининг жойлашиш чуқурлиги, см		Бўғин илдизлари сони, дона	
		1*	2*	1*	2*	1*	2*	1*	2*
1 октябр	Назорат (ўғитсиз)	16	13	2,6	2,5	2,0	1,9	4,2	4,0
	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	20	16	3,3	3,1	2,2	2,3	4,4	4,3
	N ₁₈₀ P ₁₂₆ K ₉₀	21	17	3,4	3,2	2,2	2,3	4,5	4,4
	N ₂₁₀ P ₁₄₇ K ₁₀₅	22	17	3,3	3,2	2,2	2,3	4,5	4,5
16 октябр	Назорат (ўғитсиз)	13	12	2,2	2,1	1,8	1,8	3,6	3,6
	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	17	15	3,1	2,9	2,1	2,1	4,2	4,2
	N ₁₈₀ P ₁₂₆ K ₉₀	18	16	3,3	3,1	2,2	2,2	4,3	4,2
	N ₂₁₀ P ₁₄₇ K ₁₀₅	18	16	3,3	3,1	2,1	2,3	4,3	4,3
1 ноябр	Назорат (ўғитсиз)	8,0	7,0	1,0	1,0	шаклланмаган		0	0
	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	9,0	8,0	1,0	1,0			0	0
	N ₁₈₀ P ₁₂₆ K ₉₀	10	8,0	1,0	1,0			0	0
	N ₂₁₀ P ₁₄₇ K ₁₀₅	10	8,0	1,0	1,0			0	0

Изоҳ: 1* - «Макуз-3» нави, 2* - «Крупинка» нави

Қаттиқ бугдой навларининг кузги ўсув даври якунида тупланиш бўғинининг жойлашиш чуқурлиги эрта (1.10.) ва ўрта (16.10.) экиш

муддатларида экилган вариантларда 1,8–2,3 см ни ташкил этган бўлса, кеч (1.11.) экилган муддатда эса ўсимликларда тулланиш бўғинининг шаклланмаслиги аниқланган.

Қаттиқ буғдой навлари бўғин илдиэлари сонига экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатиб, экиш муддатларининг кечикиши билан уларнинг сони камайиши кузатишган бўлса, маъданли ўғитлар қўлланилганда сонининг ошиши кузатишган. Бўғин илдиэлари сони эрта (1.10.) экилган назорат ўғитсиз-вариантида навларга мос равишда 4,2; 4,0 донани ташкил этган бўлса, шу экиш муддатидаги $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг/га маъданли ўғитлар қўлланилган вариантда назорат-ўғитсиз вариантига нисбатан 0,3; 0,5 донага кўп бўлиши кузатишган. Кеч (1.11.) экилган вариантларда бўғим илдиэлар тўлиқ шаклланмаслиги аниқланган.

Қаттиқ буғдойнинг кузги вегетация даври якунига қадар эрта (1.10.) муддатда экилган ва ўғитланган вариантларда биологик баҳори «Макуз-3» навида ўсимлик бўйи биологик кузги «Крупинка» навида нисбатан 4–5 см баланд бўлиб, натижада ўсимликнинг кишки совукдан кўпроқ зарарланиши кузатишган.


Ўтказилган тадқиқотларда экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини қаттиқ буғдой навларининг бўйи ҳамда ётиб қолишга чидамлигига таъсирига кўра, «Макуз-3» ва «Крупинка» навларини 1 октябрда экилган ва гектарига $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг маъданли ўғит қўлланилган вариантда ўсимлик бўйи баланд (навларга мос равишда 107,0; 90,6 см) бўлган бўлса, экиш муддати кечикиши (1.11.) билан ўсимликларнинг бўйи (95,2; 85,7 см) нисбатан пастроқ бўлиши кузатишган. Экиш муддатларига боғлиқ ҳолда азотли ўғит меъёрининг ошиб бориши ўсимликларни ётиб қолишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, «Макуз-3» ва «Крупинка» навларида экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрлари 1 м^2 даги маҳсулдор поялар сонига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, эрта (1.10.) муддатда экилган назорат-ўғитсиз вариантида 366,3; 395,9 донани, ўрта (16.10.) муддатда экилганда 390,7 донани ва кеч (1.11.) муддатда экилганда 369,5; 382,3 донани ташкил этган. Маъданли ўғитлар меъёрини ошириш 1 м^2 даги маҳсулдор поялар сонига ижобий таъсир кўрсатган (1-расм).

Эрта (1.10.) муддатда экилган ва гектарига $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг маъданли ўғитлар қўлланилган вариантида биологик кузги «Крупинка» навида биологик баҳори «Макуз-3» навида нисбатан 1 м^2 даги маҳсулдор поялар сони 53,4 донага, $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га вариантида 43,2 донага ва $N_{210}P_{147}K_{105}$ вариантида эса, 63,7 донага кўп бўлиши аниқланган. Экиш муддатларининг кечикиши билан 1 м^2 даги маҳсулдор поялар сони камайиб бориши кузатишган.

Эрта (1.10.) муддатда экилган назорат-ўғитсиз вариантида қаттиқ буғдойнинг «Крупинка» навида бошоқдаги бошоқчалар сони 18,8 донани ташкил этиб, бу «Макуз-3» навида нисбатан 1,3 донага кўп бўлиши кузатишган. Маъданли ўғитлар меъёрини ошириш қаттиқ буғдой навлари бошоқ структурасига ижобий таъсир кўрсатиб, 1 октябрда экилган ва

гектарига $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг қўлланилган вариантида навларга мос равишда бошок узунлиги 8,4; 8,6 см, бошокдаги бошоқчалар сони 24,0; 23,1 дона, битта бошокдаги дон сони 47,5; 53,0 донани, битта бошокдаги дон массаси 1,16; 1,15 граммни, ўғитлаш меъёри $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га қўлланилган вариантида, бошок узунлиги 9,1; 9,2 см, бошокдаги бошоқчалар сони 25,6; 24,8 дона, битта бошокдаги дон сони 47,5; 53,0 донани, битта бошокдаги дон массаси 1,27; 1,25 граммни ташкил этган.



1-расм. Экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрларининг қаттиқ бугдой навлари маҳсулдор поялари сонига таъсири, m^2 /дона (2009-2011 йй.)

Маъданли ўғитлар меъёри гектарига $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг қўлланилган вариантида назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан бошок узунлиги 3,3; 2,9 сантиметрга, бошокдаги бошоқчалар сони 9,2; 8,1 донага, битта бошокдаги дон сони 21,7; 26,8 донага, бошокдаги дон массаси эса 0,61; 0,69 граммга юқори бўлишини кўрсатган. Экиш муддатининг кечикиши билан бу кўрсаткичлар ҳам ўзгариб бориб, экиш 1 ноябрда ўтказилган ва гектарига $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг маъданли ўғитлар қўлланилган вариантида 1 октябрь экиш муддатида экилганда навларга нисбатан мос равишда бошок узунлиги 0,6; 0,8 см, битта бошокдаги дон сони 2,3; 13,8 дона, бошокдаги дон массаси 0,01; 0,16 граммга кам бўлиши аниқланган.

Тадқиқотларда дон ҳосилдорлиги навларнинг биологик хусусиятлари, экиш муддати, маъданли ўғитлар меъёри ва табиий ёғингарчиликлар миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Дон ҳосилдорлиги энг кам бўлган вариантлар бу, албатта, назорат-ўғитсиз вариантларида бўлиб, «Макуз-3» ва «Крупинка» навларида 1 октябрь экиш муддатида навларга мос равишда 22,7;

25,9 ц/га, 16 октябрда 24,6; 25,2 ц/га ва 1 ноябр экиш муддатида эса, 23,5; 23,3 ц/га бўлиши кузатилган (3-жадвал).

Маъданли ўғитлар меъёрини ошириш дон ҳосилига ижобий таъсир кўрсатиб, бу кўрсаткич эрта (1.10.) муддатда экилган назорат-ўғитсиз вариантига нисбатан $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантыда навларга мос равишда 29,7; 32,0 ц/га, $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантыда 38,7; 40,0 ц/га ва $N_{210}P_{147}K_{105}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантыда эса 35,8; 46,3 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.

3-жадвал

